

Якин ва Ўрта Шарк халклари адабиётида “Лайли ва Мажнун” мавзусида кенг таркалган бошка бир ишк кассасини топиш кийин. Мана ўн уч асрдирки, ушбу мавзуда адабиёт оламида шеър ва достонлар битилиб келади. Ушбу кассанинг келиб чикиш манбаи кадим араблар хаёти билан боглик вокеаларга бориб такалади. Айрим араб манбаларининг маълумот беришича, Мажнун тарихий шахс бўлиб, Шимолий Арабистондаги Бани Омир к абиласига мансуб бўлган. Унинг исми манбаларда Кайс ибн Мулаввах, Махдий ибн Муод, ал-Акра ва баъзан ал-Бухтурий ибн ал-Жаъд тарзида келтирилади. Мажнун ўз кабиласидан Лайли исмли кизни севиб, унга багишлаб ажойиб шеърлар тўкиган. Унинг шеърлари кабиладошлари ва бошка кабила кишилари орасида кенг таркалганлиги хакида Ибн Кутайбанинг “Китобу-ш-шеър ва-ш-шуаро” асарида маълумотлар келтирилади. Лекин шу билан бирга айрим тарихчилар Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи мажозий, мавжуд шеърлар ўз амакисининг кизини севиб колган умавий бир йигитнинг шеърлари, у шеърларида Мажнун тахаллусини кўллаган деб айтадилар. Хар холда нима бўлганда хам VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араб шеърлятида Мажнун тахаллуси билан ишк мавзусида ёзилган гамгин шеърлар пайдо бўлган.

Бадий адабиётда бу касса достон шаклида илк бор Низомий Ганжавий томонидан вужудга келди. Кейинчалик форсий тилда Амир Хусрав Дехлавий, Ашраф Марогий, Абдурахмон Жомий, Амир Шайхим Сухайлий, туркий тилда Гулшахрий, Ошик Пошшо, Шахидий, Фузулий каби шоирлар бу достонга жавоб ёздилар.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони 38 боб, 3623 байтдан иборат. Шундан мукаддима 9 бобни ўз ичига олади. Достон анъанавий хамд – Аллохнинг мадхи билан бошланади. Унда шоир оламнинг яратилиши, тун, кун, ой, куёш, юлдузларнинг, йил фасллари ва улардаги табиатнинг ўзига хос жилолари, инсоннинг табиат ичида яратилиши, йўқдан бор, бордан йўк бўлиши – буларнинг хаммаси Аллохнинг бекиёс кудрати ва улуглигининг ифодаси эканини таъкидлаб, унга хамду санолар ўкийди. Навоий бобда гоаят усталик билан Аллохнинг ердаги тажаллиси тасвирини ушбу ёзилаётган достони гоаяси билан боглик холда баён килади. Яратувчининг хар ердаги тажаллиси жахонда Лайли бўлиб кўринади, жилва килади, унинг бу хусусияти эса яратилганларни Мажнун килишдан иборатдир:

Эй хар сориким, килиб тажалли,

Ул мазхар ўлуб жахонда Лайли.

Эй оники Лайли айлаб отин,

Мажнун килмок килиб сифотин.

Иккинчи боб Муножотни ўз ичига олади. Мазкур бобда Навоий Аллохга мурожаат килиб, уни борликни яратган ягона ва олий зот деб деб атайди ва ўз гунохларини, хатоларини кечиршни илтижо килади. Шоир достонни ёзишга киришар экан, Худодан ўзига мадад ва кўмак сўрайди:

Ё Раб, эшигингда ул гадомен,

Ким, боштин аёккача хатомен.

Мушкум бу хатода бўлди кофур,

Кофур ила мушкум ўлди бенур...

Бок дарду малолатимга, ё Раб,

Рахм айла бу холатимга, ё Раб...

Шукрунгга тилимни койил айла,

Саждангга бошимни мойил айла...

Бўл рохнамун манго ул ишга,

Ким, бўлса санга ризо ул ишга...

Достоннинг 3-боби Мухаммад пайгамбар (с.а.в) мадхига багишланган. Бу бобда Навоий Мухаммад пайгамбар (с.а.в)ни рисолат сипехри (пайгабарлик осмони)нинг куёши деб атаб, Одам Атони унинг дарахтидаги мевага ўхшатади. Китобот санъати воситасида пайгамбарлик мухри – хотамнинг “

□

” –

“алиф” ва “

□

” – “те”сида унинг оти яширинганини айтади:

Ул мухри хутути васфи зотинг,

*Хотам “алиф”ию “те”си **отинг**.*

Навоий наътни Пайгамбар ва унинг оиласига юз минг салавоту васфлар айтиш билан якунлайди.

4-боб Меърож туни таърифига багишланган. Навоий меърож тунини таърифлар экан, бу туннинг рангини тоза мушк рангига ўхшатиб, унинг хар бир юлдузига куёш рашк этади деб ёзади:

Ким ранги эди чу мушки ноби,

Хар юлдузи рашки офтоби.

Навоий Мухаммад пайгамбар (с.а.в.)нинг Бурок отига миниб кўкка кўтарилишини ташхис санъати воситасида баён килар экан, сайёралар, юлдузлар, ўн икки буржларнинг номларинигина эмас, уларнинг хусусиятларини хам кўзда тутиб, Меърож тунининг мўъжизавий холатини тасвирлайди. Шоирнинг ёзишича, пайгамбар Оллохнинг хузурига ой бўлиб бориб, куёш бўлиб кайтди, гавхар бўлиб бориб, Уммон денгизига айланиб келди:

Ой бордию келди меҳри рахшон,

Дур бордию келди баҳри Уммон.

Достонинг 5-боби сўз таърифи, Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий мадҳини ўз ичига олади. Навоий дастлаб сўзга таъриф берар экан, уни энг ажойиб гавхар, мавж урган денгизга ўхшатади:

Эй сўз, не бало ажаб гухарсен,

Гавхар неки, баҳру мавжварсен...

Айтиб совумас тарона сен сен,

Олиб курумас хизона сен сен.

Низомий Ганжавий мадхида талмех санъатининг етакчилик килишини кузатиш мумкин. У фазилатда Турдаги Мусо, каноатда Кофдаги Анкога ўхшатилади:

Хам Тури фазилат узра Мусо,

Хам Кофи каноат узра Анко.

У Ганжада ганж (хазина)дек яшириниб, беш ганж (“Хамса”)ни нишон килиб кетди:

Ул Ганжада ганждек нишони,

Беш ганж кўйуб вале нишони.

Бобда Дехлавий сохири Хинд (хинд сеҳргари) таърифи остида келтирилиб, у яратган асарлар фитнагарликда Кашмир ўлкасидек бўлди дейилади:

Кўргач бу тилисм сохири Хинд,

Жодулиг ишида мохири Хинд...

Хар сафҳаи назми гохи тахрир,

Фитна аро бир саводи Кашмир.

6-боб Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадҳидадир. Навоий Жомий исмидаги “нур” сўзига алоҳида ургу бериб, унинг оти хам, зоти хам “нуру-н-ало нур”дир дейди:

Сочиб лакаби жахон аро нур,

Зоти била нурун ало-нур.

Навоий бу ўринда Жомий хали тўлалагича “Хамса” яратмаган бўлса-да (Жомий бешлиги 1481-85 йилларда яратилган, бу вақтга келиб, Жомий бешлигидаги факат 3 достон ёзиб тугалланган эди), лекин ўзининг беш хазинаси, яъни “Силсилату-з-захаб”, “Тухфату-л-ахрор”, “Субхату-л-аброр”, “Ахсану-л-кисас” (“Юсуф ва Зулайхо”) достонлари ва “Девон”и билан беш хазинага муносиб жавоб айтганлигини таъкидлайди.

Достоннинг 7-боби замона ҳукмдори Султон Хусайн Бойкарога багишланган. Навоий Хусайн Бойкарони шариатнинг химоячиси, адолатпарвар, саховатпеша, бунёдкор шох, фикх илмида Абу Ханифа сингари юксак даражага эга шахс сифатида мадҳ қилади.

Шоирнинг ёзишича, у киличи билан шерни махв этишдек кудратга эга бўлса-да, чумолига шикаст етса кўз ёшини тиёлмайдиган, шохлар орасидаги ўрни фалак юксаклигида бўлгани холда дарвешлар олдида тупрокдек хокисор подшоҳдир:

Шер узра киличи барк чокиб,

Мўр ўлса шикаста ёши окиб.

Дарвеш десам улус уза шох,

Шохи дарвеш боракаллох.

8-боб шахзода Бадиуззамон таърифидадир. Навоий шахзоданинг исми “замонасининг гўзали, нодири” эканлигига ишора килиб, шундай ёзади:

Гар оти ўлуб замон бадии,

Зоти келиб инсу жон бадии.

Аллох, Аллох, не от эрур бу,

Не поку хужаста зот эрур бу.

Бобда Бадиуззамоннинг адолати, саховати билан бирга кахрига хам алохида таъриф берилади:

Адли ёрутуб жахонни жовид,

Ул адл бошида айни хуршед.

Чун кахри шарори кўкка рожий

Ул шин уза нукта Насри Вокиъ.

Достоннинг 9-боби тун таърифига багишланган. Боб муайян маънода мукаддима билан асоси й кисми боғловчи кўприк воситасини ўтайди. Бобда шоирнинг коронги тунда хаёл отига миниб, сайрга чикиш тасвири берилган. Ишк водийсига етганда от оксокланиб, йўлда давом этолмай колади. Ёмгир, бўрон аралаш момакалдирок гулдураб, чакин чакади. Чакин ёругида шоир саксовулдай тахланиб ётган инсон

суяклари, вахший хайвонларни кўради. Н.Комиловнинг “Тасаввуф” китобида ёзилишича, бу тасвирларнинг хаммасида муайян рамз бор. Бу тун хажр туни, бу водий эса ишк водийси, вахший хайвонлар ошикка хуруж этган бало-офатлар, суяклар ишк курбонларидан нишона. Ўз асли, Илохдан ажралган мусофир, гариб рух Мажнун шу водийда якка ўзи бошини эгиб ўтирибди. Шу ўринда иккита ташбех кўлланилганлигини кўрамиз. Коронги тунда бирин-кетин чакмок чакиб, унинг ёругида кабилалар кўзга ташланади, шунда шоир тунни Лайлининг сочига, чакмокни эса Лайли юзининг очилишига ўхшатади:

Андокки килиб карашма майли,

Зулф ичра жамолин очса Лайли.

Лайли юзи бу ўринда илохий нур манбаи, узун сочлари – моддий дунё, фирок тузоклари, (“Лайли” сўзининг ўзи хам тун маъносини билдиради), ана шу нур манбаининг чакмоклари Мажнун калби ва вужудидан жой олган. Иккинчи ташбех: Навоий ишк водийсида “нори айман” (шохлари шуълаланиб турган дарахт)ни кўради. Кисса бошланиб, Лайли ва Мажнуннинг биринчи учрашуви тасвирланганда шоир шу ташбехни такрорлаб, Мажнунни худди шу шуълали дарахт киёфасида чизади, яъни Лайли юзининг шуъласидан Мажнун калби алангаланиб кетади. “Нори айман” аслида Куръондаги Мусо хикоясига ишорадир. Мусо алайхиссалом Аллохга юзингни кўрсат деб илтижо килганларида, Аллох бир учкунни Тур тоги томон йўналтиради. Тур тоги парчаланиб, кум холига келади, Айман водийси эса ёришиб кетиб, ундаги дарахтлар машъаладай порлайди. Аллох ишки мана шундай кудратга эга.

10- бобдан дostonнинг асосий кисми бошланади. Бани Омир кабиласида узок кутилган фарзанд Кайс дунёга келади. Кайсининг тугилиши, ўсиши тасвирида хам илохий такдир сезилиб туради. Тугилгандан ишк олови билан йўгрилган Кайс ўтга талпинади:

Ўт кўрсаки майл этиб нихоний,

Ишк ўти тасаввур айлаб они.

Уни 4-5 ёшларида Лайли кабиласига ўқишга берадилар. Бахор кунларининг бирида Лайли билан бог сайрида учрашиб колган Кайс уни кўриб хушини йўкотади. Навоий бу ўринда Лайлининг хусни гулзорни чарогон килиб юборди ва гулзордаги бир нихол (Кайс)ни хазон этди деб ёзади:

Шод ўлди жамолидин дабистон,

Андокки бахордин гулистон.

Лекин бу бахори зиндагоний,

Бир нахлни айлади хазоний.

Тасаввуф таълимотига кўра, гулистон дарвешнинг рухияти, уни Хак ишки эгаллаб олади

ва у бетокатланиб, хушини йўкотади. Шу тарзда мажзуби солик (Хакдан жазба етган, устози хам, пири хам Ишк бўлган, макомларни эгалламасдан туриб, хол мартабасига эришган ошик)нинг саргузаштлари бошланади. Кайс шу тарика Лайлини хар кўрганида хушидан кетади. Халк орасида “Мажнун” лакаби билан овоза бўлади:

"Лайли, Лайли!" – дебон чекиб ун,

Эл деб, "Мажнундур, ушбу мажнун!"

Мажнуннинг ота-онаси уни Лайлига уйлантириш учун совчи юбордилар. Лекин Лайлининг отаси кизини акл-хушдан бегона бир “девона”га беришдан ор килади ва Мажнуннинг Лайли кабиласига келишини таъкиклаб кўяди. Мажнуннинг отаси кабиладошлари билан маслахатлашиб, Кайсни занжирбанд килади. Лекин ишк оташи таъсиридан занжир узилиб, Мажнун уйидан чикиб кетади. У бедард кабиладошларини хам, якинларини хам, умуман жамиятни унутиш даражасига боради, зеро бу холат хакикий ошик учун хос хусусиятдир:

Ўз отию кавму хайли оти

Йўк ёдида, гайри Лайли оти.

Тасаввуфда бу ҳолат “тафрид” (ёлгизланиш) деб атади. Ошиқ шундай бир ҳол мартабасини эгаллайдики, яқинларидан, умуман инсонлардан безор бўлади; яккаликни, ёлгизликни кўмсайди. Ёлгизланиш дилнинг Ҳакка юзланиши учун имкон яратади.

Кайснинг отаси ўглининг дардига шифо бўлади деган умидда ҳаж муносабати билан Каъба зиёратига олиб боради. Кариндошлар Кайс Каъбани тавоф этса, ахволи яхшиланади деб умид қиладилар. Лекин Мажнун Аллоҳга муножот қилиб, Лайли ишқини кўнглига мустаҳкамрок жо этишини сўрайди. Мазкур лавҳа достоннинг энг таъсирчан ўринларидан бири бўлиб, қирк уч байтдан иборат. Бу ўзига хос “муножотнома” да йигирма тўрт ўринда “ишқ” сўзидан фойдаланилган. Бу тасодифий эмас, албатта. Навоий ушбу сўзни турли поэтик унсурлар ва ритмик воситалар билан уйғунликда қўллаб, ритмик оҳангнинг турли-туман жилваланишларига эришади.

Дастлаб ишқ ўти билан жаҳонни ёндирган “ҳакими доно”га сокин мурожаат билан бошланган мазкур муножот аста-секин тантанавор оҳанг касб эта боради ва бунда “ишқ” сўзининг ритмик зарб (мантийкий ургу асосига қурилган, ижодкор айтмоқчи бўлган фикр ёки ифодамоқчи бўлган кучли хис-туйғуни ўзида акс эттирувчи ритмик бирлик) даражасига кўтарилганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилади:

Чек айнима ишқ тўтиёсин,

Ур қалбима ишқ кимийёсин!

Мазкур байтда “ишқ” сўзи хожиб вазифасида келган бўлиб, байт мисраларидаги ҳар бир сўзнинг ўзаро тенг устунлар асосида жойлашиши ва бунинг натижасида муайян ритмик паузанинг қўлланилганлиги оҳангнинг жозибадорлигини таъминлаган.

Кейинги байтда “ишқ” сўзи “эт” кўмакчи феъли билан

бирикиб, радиф вазифасида келган ва энди ритмик зарб радиф билан бирлик касб этган:

Кўнглумга фазо харими ишк эт,

Жонимга гизо насими ишк эт!

Мажнун ўз муножотида ишкни шу тарика улуглар экан, ундан ишк ва Лайлини унутишни сўраган кишиларга нисбатан ачиниш хисларини намоён килади ва хатто тангридан уларни афв этишини сўрайди:

Аллох-аллох, бу не сўз ўлгай,

Ул кавмга тенгри узр кўлгай.

“Тасаввуф” китобида келтирилишича, Каъба зиёрати лавхаси, тасаввуф ахлининг хар кандай суратлар, тимсолларга сизинишни инкор этишларига ишорадир. Яъни, Илохнинг ўзига ошик бўлган, факат Уни деб ёнган кишига бу ишлар ортикчадир.

Мажнуннинг отаси ўглини уйга кайтариб олиб келади ва у яна сахрога чикиб кетади. Сахрода у овга чиккан лашкарбоши Навфални кўриб қолади. Навфал ҳам бир вақтлар ишк дардига учрагани учун Мажнуннинг калбини тушунади, унга раҳми келади:

Навфал даги ишк кўрган эди,

Гам дашти аро югурган эрди.

Навфал ишк дардидан хабардор бўлса-да, лекин Мажнун даражасига кўтарилмаган, унинг сулукдаги макоми маълум бир боскичга етгандан кейин тўхтаб қолганлигини кўрамиз. Шу сабабли у Мажнунни Лайлига уйлантириш билан унинг дардига малҳам топиш мумкин деб ўйлайли ва Лайлига совчи юборади. Лекин Лайлининг отаси рози бўлмагач, уруш очади. Лайлининг отаси урушда енгиллигини сезиб, кизини ўлдиришга қасд қилади. Бу ҳолат Мажнунга туш орқали аён бўлгач, Навфалдан урушни тўхташни сўрайди. Навфал Мажнун учун яна бир чора воситаси сифатида ўз кизини Мажнунга беришга қарор қилади. Лайлини эса Бани Асад қабиласининг бошлиғи Ибн Саломга унаштирадилар. Навфалнинг кизи бошқа инсонни севишини айтиб, Мажнунга ака-сингил бўлишни таклиф қилади. Ибн Саломнинг эса қуянчик (тутканок) касали кўзгаб, беҳуш йиқилади. Лайли ва Мажнун ишк даштида учрашадилар.

Лайли бу дунёдан кетиш фурсати яқинлашганини сезиб, онасига Мажнун келса, уни ҳузурга киритишларини васият қилади. Мажнун Лайлининг бу дунёдан кетаётганини илохий бир куч билан сезиб, унинг қабиласи томон келади:

Юз урди қабиласи сори холи,

Оғзида тараннуми висоли.

Шу тарика умр бўйи бир-бирининг ишкида куйган, висолига интилганлар Рухи мутлак томон равона бўладилар.

Достон Хотимаси уч боб (36-38)ни ўз ичига олади. 36-боб "Ишк таърифи"га багишланган бўлиб, бунда Навоий ишкни кимёга ва оламни кўрсатувчи кўзгуга ўхшатади:

Эй, ишк, гариб кимиёсен,

Бал ойинайи жахоннамосен.

Ривоятларга кўра, қадимда кимёгарлар мис ва бошка маъданларни юкори харорат таъсирида олтинга айлантириш мумкин деб хисоблаганлар. Навоий бу ўринда шу афсонага ишора қилиб, одам аслида тупрокдан яралган, аммо ишк оловининг “кимё”лиги уни олтинга айлантиради, яъни ишк инсон вужудини турли хил чиқиндилар: жисмоний талаблар ва нафсоний истаклардан поклайдиган оташдир деган фикрни келтиради:

Чун холису поку бегаш ўлди,

Олтин неки кимиеваш ўлди.

Покланиш, яъни “кимё”ланиш ишки мажозий бўлиб, ундан “олтин”га айланиб чиккан ошик энди ўзлигидан кутулади ва каёкка караса, хакикий Ёр(Хак)ни кўради:

Чун боккали ихтиёр топти,

Хар сорики бокти ёр топти.

Хам накши вужудин этти фони

Хам топти бакойи жовидони.

Бу эса калбнинг кўзгуга, яъни “ойинаи жахоннамо”га айланиши, бошқача айтганда ишки хакикийга молик бўлишдир.

Достоннинг 37-боби Султон Хусайн Бойкаро акасининг ўгли шахзода Султон Увайс баходир мадхига багишланган. Навоий шахзодани таъриф тавсиф килиш асносида гоът усталик билан унга шариат, адлу химмат бобида насихатлар ҳам килади ва замона султони Хусайн Бойкарони унга ибрат килиб кўрсатади.

Достоннинг сўнги боби “дард навхаси” (йигиси)нинг якуни хакида бўлиб, шоир бунда достонни тугаллагани учун Аллохга шукрона келтиради. Навоийнинг достон мохияти хакида айтган энг мухим фикрлари айнан шу бобда тажассум топган:

Сўгин нечаким узоттим охир,

Йиглай-йиглай тугаттим охир...

Ўзмокта бу ишки жовидона,

Максудум эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди рух майли,

Афсона эди анинг туфайли...

Мен туркча бошлабон ривоят,

Килдим бу фасонани хикоят.

Ким, шухрати чун жахонга тўлгай,

Турк элига доги бахра бўлгай...

“Лайли ва Мажнун” достонидан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу дунёда яшовчи ҳар бир инсон ошқлик йўлини тутиб, ўзини ўлимга эмас, балки васл майини ичишга тайёрлаши керак, зеро бу дунёнинг бирдан-бир мазмуни ҳам шу. Руҳи мутлакни тасаввур қилишда инсон ақли ва онги ожизлик қилади, шу сабабли Навоий уни мазхар – Лайли тимсолида яратади.

Достон ҳазаж бахрининг *ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи махзуф* (руқнлари ва тактиъи: мафъулу

М

афоилун

фаулун) вазнида ёзилган. Лекин достонда мазкур вазн билан бирга кўшимча тарзда *ҳазажи мусаддаси ахрами аштари махзуф*

(руқнлари ва тактиъи: мафъулун

фоилун

фаулун) вазнининг ҳам қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат тасодифий бўлмай, достон мазмуни ва гоъси билан чамбарчас боғлиқ. Достондаги 3623 байтдан 240 мисра айнан мана шу ритмик вариация (бир вазннинг ички имкониятлар асосида янги вариантларга эга бўлиши)да яратилган бўлиб, достондаги зиддиятли воқеалар, асар қахрамонларининг чуқур рухий изтироблари тасвири, қахрамонлар руҳиятининг табиат тасвири билан боғлиқ баёни, қахрамонлар хайрати ақс этган мисралар, лирик чекиниш пайтида мазкур вариацияга мурожаат қилинганлигини кўрамай.

Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1992. 9-жилд.
2. Navoiy Alisher. Layli va Majnun. – Т.: G'.G'ulom nomidagi NMIU, 2006.
3. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун (насрий баён муаллифи В.Рахмонов, Н.Норкулов). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990.
4. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O'zbekiston NMIU, 2009.
5. Ахмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони. – Т.: Фан, 1970.
6. Назруллаева С. Тема “Лейли и Меджнун” в истории литературы народов Советского Востока
. – Т.
:
Фан, 1983.
7. Каюмов А. Ишк водийси чечаклари. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
8. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадий уйгунлиги. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.

Дилнавоз Юсупова

